

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.31/31.12.2020.YU.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ДАВЛЕТОВА КАРОМАТЖОН ХУДАЙБЕРГАНОВНА

**ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА АХБОРОТ-
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик
жараёни ва медиация**

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Давлетова Кароматжон Худайберггановна Иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	3
Давлетова Кароматжон Худайберггановна Особенности использования информационных технологий при экономическом судопроизводстве.....	25
Davletova Karomatjon Khudaiberganovna Peculiarities of the use of information technologies in conducting economic court cases.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.31/31.12.2020.YU.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ДАВЛЕТОВА КАРОМАТЖОН ХУДАЙБЕРГАНОВНА

**ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА АХБОРОТ-
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик
жараёни ва медиация**

**юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Yu744 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эсанова Замира Нормуратовна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хабибуллаев Давлатжон Юлчибоевич
юридик фанлар доктори, профессор

Қучқаров Хамидулло Абдурасулович
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2025 йил 19 ноябрда куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел./факс: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (71-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42, e-mail: info@proacademy.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил 06 ноябрда тарқатилди.
(2025 йил 06 ноябрдаги 35-рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар
доктори, профессор

Б.А.Отажонов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD)

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда XXI асрда ахборот технологияларининг барча соҳаларга, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимига ҳам кенг қамровли кириб келиши рақамлаштиришни ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасининг стратегик йўналишига айлантирди. Айниқса, иқтисодий низоларни судларда кўриб чиқиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлик, тезкорлик, шаффофликни ошириш ва коррупция хавфини камайтириш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. БМТнинг Электрон ҳукумат ривожланиш индекси (UN E-Government Development Index)да Ўзбекистон 193 давлат орасида 63-ўринга кўтарилиб, биринчи марта “Жуда юқори” (EGDI) тоифасига кирганлиги ҳам мамлакатимизда ахборот технологияларини суд тизимига жорий этиш ва иқтисодий низоларни ҳал этишдаги самарадорликни оширишга қаратилган ислохотларнинг муҳимлигини кўрсатади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, суд ишларини юритишда сунъий интеллект, электрон ҳужжат айланиши, онлайн суд муҳокамалари, блокчейн ва суд ишларини автоматлаштирилган тақсимлаш каби ечимлар иқтисодий судловни замонавий стандартлар асосида қайта ташкил этишда муҳим омилга айланган. Иқтисодий судларда рақамлаштириш ва ахборот технологиялардан фойдаланиш орқали корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ва механизмларини такомиллаштириш каби тенденциялар ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий суд ишларини юритишда замонавий ахборот технологияларни татбиқ этиш, хусусан, амалдаги my.sud.uz платформаси, масофавий суд муҳокамаларини ўтказиш, ишларни инсон омилисиз автоматик тарзда тақсимлаш каби инновацион ечимлар жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, “SMART SUD” (“Ақлли суд”) концепцияси асосида ишларни босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклда юритиш амалиёти жорий қилинмоқда¹. Бироқ, амалиётда иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларини қўллаш жараёнларининг ҳуқуқий, техник ва ташкилий жиҳатларида бир қатор муаммо ва қарама-қаршиликлар сақланиб қолмоқда. Айниқса, иқтисодий суд ишларида ахборот технологияларини самарали татбиқ этишнинг ҳуқуқий асослари, инсон омилининг таъсири, электрон далилларни баҳолаш механизми ва сунъий интеллектдан фойдаланиш чегаралари ҳали тўлақонли ўрганилмаган. Шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни иқтисодий судлар фаолиятига татбиқ этиш, иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/7369703>

қўллашдаги процессуал-ҳуқуқий муаммоларнинг илмий асосларини тадқиқ этиш зарурати мазкур тадқиқот ишининг долзарблиги ва заруратини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (2018), Фуқаролик процессуал кодекси (2018), “Судлар тўғрисида”ги (2021) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023), Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги (2025), “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2025) Фармонлари, “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2024) Қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқот объекти сифатида илк марта ўрганилди. Мамлакатимизда ушбу мавзунинг умумий жиҳатлари О.Окюлов, М.М.Мамасиддиқов, М.А.Тиллабоев, З.Н. Эсанова, Д.Ю. Хабибуллаев, Ф.Х. Отахонов, О.Ш. Пирматов, С.А. Марипова, Х.А. Кучқаров ва М.М. Тажибоев каби миллий ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқот ишларида тадқиқ этилган.

Хусусан, Д.Ю. Хабибуллаев ўзининг “Фуқаролик суд ишларини юритишнинг процессуал муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертацияси ишининг 1.3-параграфиди фуқаролик суд ишларини юритишни рақамлаштириш истиқболлари, О.Ш. Пирматов эса фуқаролик суд ишларини рақамлаштириш ва виртуаллаштириш масалаларини тадқиқ этган. Бироқ, юқоридаги тадқиқот ишларида иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг процессуал хусусиятлари комплекс ўрганилмаган.

МДХга аъзо давлатларда иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар Ю.Ю. Грибанов томонидан “Фуқаролик ва арбитраж процессида соддаштирилган тартибда иш кўриш: Россия ва Германия ҳуқуқий тизимини қиёсий таҳлили” мавзусидаги диссертацияси устида иш олиб борган. М.А. Митрофанова “Электрон далиллар ва арбитраж муҳокамасида бевоситалик принципи” мавзусида, Е.В. Зайченко эса “Фуқаролик ва арбитраж процессида ахборот таъминоти” мавзусида, А.Ю. Лазарев эса “Арбитраж муҳокамасида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишда ахборотни ҳимоя қилишни ҳуқуқий таъминлаш” мавзусида тадқиқот ишларини олиб борган.

Шунингдек, хорижлик олимлардан Юргис Барткуснинг (Вильнюс Университети, 2023) “Халқаро тижорат арбитражида далилларнинг қабул қилиниши” докторлик диссертацияси, А. Сокорронинг (Тилбург Университети 2020) “Сунъий интеллект халқаро арбитражда қарор чиқара оладими?” номли докторлик иши, Энтони Антви-Боасаконинг (Претория Университети, 2018) “Рақамли далилларни қабул қилиш учун уйғунлаштирилган модел (НМ-DEAA)” PhD диссертацияси устида иш олиб борганлар².

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш, унинг назарий-амалий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суд фаолиятини ахборотлаштириш ва иқтисодий суд ишларини юритиш жараёнида ахборот технологияларини қўлланилишининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда иқтисодий судларда ишларнинг кўрилишида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ретроспектив таҳлил қилиш;

иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологиялардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

иқтисодий низоларни судларда кўрилишида инновацион технологиялардан фойдаланиш муаммолари таҳлилин амалга ошириш;

иқтисодий суд ишларини юритишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тадқиқ қилиш;

айрим тоифадаги ишларни иқтисодий судларда кўриб чиқишда ахборот-технологияларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ахборот технологияларининг иқтисодий судлар амалиётидаги самарали қўлланилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;

судлар фаолиятида ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларидан фойдаланиш истиқболларини илмий асосларда башорат қилиш ва унинг процессуал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар

² Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларини қўллашнинг процессуал-ҳуқуқий асосларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадиққотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндошув, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, сўровнома ўтказиш, аниқлаштириш, статистик маълумотлар таҳлили ва суд амалиёти таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи, жойлашган ери ёки турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан ёхуд ишни кўраётган суднинг мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланилишини қонунчиликда белгилаш асослантирилган;

видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги аудио- ва видеоёзув орқали қайд этилиши ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилишини ҳуқуқий тартибга солиниши асослаб берилган;

электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлар эканлиги, ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ва бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг кўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли бўлиши ҳақидаги нормаларни қонунчиликда белгилаш зарурати асослантирилган;

суд тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олиши ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмни кўздан кечиришини ҳуқуқий тартибга солиниши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатимиз Иқтисодий процессуал кодексда “электрон маълумотлар”га ҳуқуқий тус бериш ва Кодексда унинг тушунчаси, ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш таклифи илгари сурилиб, электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлар эканлиги, ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар

ва бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг кўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли бўлиши, суд тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олиши ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмни кўздан кечириши каби нормалар назарда тутилиши асослантирилган;

“Иқтисодий суд ишларини юритишда видеоконференцалоқа воситасидан фойдаланиш бўйича махсус Йўриқнома” ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилган. Мазкур Йўриқномада судда иш кўриш масофавий суд муҳокамасининг адолатлилик, тезкорлик, муҳокаманинг мақсадга мувофиқлиги, ҳамкорлик, хавфсизлик ва шахсий маълумотларни қонуний қайта ишлаш каби тамойилларига асосланган бўлиши; видеомулоқот сифатига қўйиладиган талаблар таъминланиши; техник носозликларни бартараф этиш имконияти яратилган бўлиши; масофавий суд мажлисида тарафларнинг хулқ-атворини назорат қилиш имкони бўлиши; видеоконференцалоқа тизимида тарафларга самарали мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланиши; томонларни масофавий мажлис қоидаларидан хабардор қилиниши билан боғлиқ қоидалар назарда тутилади;

“Иқтисодий суд ишларини юритишда видеоконференцалоқа воситасидан фойдаланиш бўйича Йўриқнома”да назарда тутилган бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига даҳл қилувчи масалалар мамлакатимиз Иқтисодий процессуал кодексига киритилиши асослантирилган. Унга кўра, ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи, жойлашган ери ёки турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан ёхуд ишни кўраётган суднинг мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишлари мумкинлигини назарда тутувчи нормаларни киритиш таклиф қилинади. Ундан ташқари, видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги аудио- ва видеоёзув орқали қайд этилиши ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши ҳам қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

Тарафлар масофавий суд мажлиси давомида ўз вакили билан самарали алоқа қилиш имконига эга бўлиши шартлиги, мазкур имконият суд мажлиси бошланишидан олдин вакили (адвокати) билан махфий мулоқот қилиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олиши лозимлиги, агар процессда узрли сабаблар билан тарафларнинг вакили иштирок этолмаса, суд масофавий мажлисни кечиктириши ёки тўхтатиши ҳақидаги нормалар Иқтисодий процессуал кодексига киритилиши таклифи асослантирилган.

“Иқтисодий суд ишларини юритишда суд буйруғини автоматлаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон

Республикасининг қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва диссертация ишига илова қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар, ахборот базасида эълон қилинган статистик маълумотларга асосланган, унда чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодий процессуал ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанлари назариясини суд орқали ҳимоя қилиш, судда иш кўришнинг процессуал хусусиятлари, инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш каби янги тушунчалар билан бойитилишида намоён бўлади. Таклиф ва тавсиялар келгусида тадқиқот ишларини ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимиз Олий суди Пленуми қарорларини ҳамда қонунчилик нормаларига шарҳлар тайёрлашда ҳисобга олиниши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иқтисодий процессуал ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот технологияларни қўллашнинг процессуал хусусиятлари, айрим туркумдаги иқтисодий ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари каби модулларини ўқитиш, суд, прокуратура ва адвокатлар учун, шунингдек медиаторлар учун амалий қўлланмалар тайёрлаш, Олий суд Пленуми қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий, амалий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи, жойлашган ери ёки турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан ёхуд ишни кўраётган суднинг мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланилиши ҳақидаги таклифлар 2025 йил 11 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун янада қулай шароитлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1047-сон Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 166-моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 7 майдаги 3/dn-92-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги иқтисодий суд ишларининг юритилишида ишда иштирок этувчи шахсларнинг масофадан иштирок этишлари учун янада қулай шароитлар яратилишига хизмат қилган;

видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

тушунтирилганлиги аудио- ва видеоёзув орқали қайд этилиши ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши ҳақидаги таклифлар 2025 йил 11 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун янада қулай шароитлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1047-сон Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 166-моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 7 майдаги 3/dn-92-сонли далолатномаси). Натижада судда одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг масъулиятини оширишга, ишга оид далилларнинг ишончилигини оширишга ва охир-оқибат суднинг ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашга эришилган;

электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлар эканлиги, ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ва бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг кўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли бўлиши ҳақидаги нормалар 2024 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сонли Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига янги 76¹-моддани киритишда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 7 майдаги 27/2-88-25-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши иқтисодий суд ишларини юритишда электрон маълумотларни текшириш, баҳолаш ва уларни ишга қўшиш бўйича тегишли чоралар кўришнинг янада самарали ҳуқуқий механизмларини яратишга хизмат қилган;

суд тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олиши ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмни кўздан кечириши каби нормалар 2024 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сонли Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига янги 76¹-моддани киритишда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 7 майдаги 27/2-88-25-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши иқтисодий судларда ишларнинг кўрилишида рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг ишончилигини мустаҳкамлашга, натижада эса суднинг иш бўйича қабул қилинадиган қарорларининг асосли бўлишини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий

конференция ва илмий семинарларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 1 та илмий-амалий қўлланма, 17 та илмий мақола ва тезислар (5 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, тўққизта параграфни камраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Тадқиқотнинг **“Судда иқтисодий ишлар кўрилишида ахборот-технологияларни қўллашнинг асосий тенденциялари ва ҳуқуқий табиати”** номли биринчи бобида суд фаолиятини ахборотлаштириш ва иқтисодий суд ишларини юритиш жараёнида ахборот технологияларини қўлланилишининг ўзига хос жиҳатлари, Ўзбекистонда иқтисодий судларда ишларнинг кўрилишида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ретроспектив таҳлили, Иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологиялардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган.

Муаллифнинг фикрича, судлар фаолиятига ахборот-технологияларни жорий этишнинг ривожланиши натижасида профессор З.Н. Эсанованинг таъбири билан айтганда, судлар тизимида, процессуал ҳуқуқнинг илмий базасида “электрон мурожаат”, “электрон судлов”, “электрон манзил”, “электрон ахборот алмашинуви”, “интерактив давлат хизматлари ягона портали” каби янги илмий тушунчалар вужудга келмоқда ва бу борада янги илмий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини вужудга келтиради.

Диссертант “электрон одил судлов”, “судларни ахборотлаштириш”, “электрон маълумотлар” каби атамаларни таҳлил қилиб, уларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Унинг фикрича, бугунги кунда судларни ахборотлаштириш атамаси остида ахборот тизимларини суд тизимида жорий этиш, маълумотларни электронлаштириш, ахборот тизимларини лойиҳалаш ва уларни амалга ошириш орқали суд фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадини назарда тутувчи комплекс

жараён ётади. Суд тизимларини замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали ахборотлаштириш бугунги кунда дунё миқёсида одил судловга эришиш даражасини ва унинг сифати ҳамда очиклигини оширишнинг энг самарали воситаларидан биридир.

Тадқиқот натижасида, муаллиф мамлакатимиз Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда - ИПК)да “электрон маълумотлар”га ҳуқуқий тус бериш ва Кодексида унинг тушунчаси, ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашни таклиф қилади. Унга кўра, электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлар эканлиги, ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ва бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг кўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли бўлиши, суд тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олиши ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмни кўздан кечириши каби нормалар назарда тутилишини таклиф қилинади.

Диссертант судлар фаолиятига ахборот-технологияларни қўллаш иқтисодий судларда ишларни кўриб чиқишдаги юктамаларни камайтириш имкони беришини таъкидлайди. Иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар 2020 йилда 104 327 та бўлган бўлса, 2024 йилга келиб 436 086 тани ташкил қилган ва туман, шаҳар иқтисодий суди судьясининг ўртача ойлик иш ҳажмининг тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда судлар фаолиятига ахборот-технологияларнинг жорий этилиши келгусида ҳужжатларни электрон шаклда жўнатиш, ишнинг боришини интернет орқали кузатиш, суд ҳужжатларини электрон шаклда олиш, видеоконференция орқали суд муҳокамаларида иштирок этиш имконини беради ҳамда суд харажатларини камайтириб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, улар учун қўшимча қулайликлар яратишга хизмат қилади.

Муаллиф Ўзбекистонда судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ретроспектив таҳлили ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилар экан 2025 йилнинг 25 январида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими” (project.gov.uz (loyiha.adliya.uz)) орқали “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини янада кенгроқ жорий этиш ва суд соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган айрим таклифларни илгари суради.

Диссертант электрон маълумотларга ҳуқуқий мақом бериш, уларни далил сифатида тан олиш ва улардан фойдаланиш механизмлари янада такомиллаштириш лозим деган хулосага келади. Унинг фикрича, ИПК

даражасида “электрон маълумот” ва “электрон далил” тушунчаларининг ҳуқуқий таърифини мустаҳкамлаш; видеоконференцалоқа орқали иштирок этиш ҳуқуқини қонунан кафолатлаш, хусусан суд муҳокамаларида техник имкониятларни таъминлаш бўйича аниқ тартиблар ишлаб чиқиш; суд жараёнларида шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва техник механизмларини мустаҳкамлаш; судьялар ва суд ходимларининг рақамли саводхонлигини ошириш бўйича мунтазам малака ошириш курсларини ташкил этиш; аҳолининг онлайн суд хизматларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш учун оммавий ахборот воситалари ва интернет орқали тушунтириш ишларини кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадқиқот ишида судлар фаолиятига ахборот-технологияларни жорий этишга доир халқаро ҳуқуқий стандартлар таҳлил қилиниб, муаллиф Европа Кенгашининг Европа одил судлов самарадорлиги комиссияси (СЕРЕЈ) ҳамда Европа Кенгаши Вазирлар кўмитаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (European Court of Human Rights) судлари мисолида ҳозирда судларда замонавий ахборот технологияларни қўллаш жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи устувор йўналиш эканлигини кўрсатади.

Диссертант суд фаолиятида ахборот технологияларини жорий этиш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий регламентацияси, биринчидан, “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция” (Рим, 1950 йил 4 ноябрь)нинг 6-моддасидаги адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ тамойилига мос бўлиши; иккинчидан, СЕРЕЈ томонидан қабул қилинган “Суд тизимларида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича Европа ахлоқий хартияси”да илгари сурилган суд тизимларида сунъий интеллектдан фойдаланиш соҳасидаги принципларга тўла амал қилиниши; учинчидан, Европа Иттифоқининг “Сунъий интеллект бўйича ахлоқий қоидалари” (Ethics guidelines on Artificial intelligence) да белгиланган технологияларни қўллашда инсон шаъни, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва юридик кафолатларни таъминлаши лозим, деган хулосани илгари суради.

Муаллиф иқтисодий судларда видеоконференцалоқасини қўллаш бўйича халқаро талабларни таҳлил қилар экан, суд мажлисларида видеоконференцалоқасидан фойдаланиш суд жараёнининг бир шакли эканлигини, адолатли ва ошқора суд муҳокамаси тушунчасига зид эмаслигини, ушбу алоқа воситасидан фойдаланиш тарафларга иш юритиш жараёнида тўлиқ иштирок этиш ва техник тўсиқларсиз эшитилиши, адвокат билан гувоҳларсиз самарали мулоқот олиб бориш имкони кафолатланиши лозимлигини таъкидлайди.

Диссертант “Иқтисодий суд ишларини юритишда видеоконференцалоқа воситасидан фойдаланиш бўйича Йўриқнома” қабул қилинишини асослантиради. Муаллифнинг фикрича, “Иқтисодий суд ишларини юритишда видеоконференцалоқа воситасидан фойдаланиш бўйича Йўриқнома”да

назарда тутилган бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига дахл қилувчи масалалар мамлакатимиз ИПКга киритилиши лозим. Хусусан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи, жойлашган ери ёки турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан ёхуд ишни кўраётган суднинг мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишлари мумкинлигини назарда тутувчи нормаларни киритиш таклиф қилинади. Ундан ташқари, видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги аудио- ва видеоёзув орқали қайд этилиши ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши ҳам қонунлаштириб қўйилиши лозим.

Шунингдек, диссертант “Иқтисодий суд ишларини юритишда видеоконференцалоқа воситасидан фойдаланиш бўйича Йўриқнома”да назарда тутилган бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига дахл қилувчи масалалар мамлакатимиз ИПКга киритилиши таклиф қилинади. Бу эса ўз навбатида суд жараёнларида видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш ҳамда процесс иштирокчиларига иқтисодий суд ишларини юритишда масофадан иштирок этишлари учун янада қулайлик яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот ишида айрим тоифадаги ишларни иқтисодий судларда кўриб чиқишда ахборот-технологияларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, ИПКнинг суд буйруғини бекор қилиш тартиби назарда тутилган 147-моддасида нафақат суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхасини ундирувчига ва қарздорга электрон ҳужжат тарзида юборилиши белгиланмаганлиги, шу билан бирга суднинг бу тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси ажрим берилганидан кейин қанча муддатда ва қай тартибда ундирувчига ва қарздорга топширилиши каби нормалар мавжуд эмаслиги, ИПКнинг 3-моддаси бешинчи қисмида мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкинлигининг белгиланиши иқтисодий процессда суд буйруғини тўлалигича автоматлаштирилганидан далолат бермаслиги, суд буйруғини тўлиқ электрон суд тартиб-таомилларига ўтказиш мақсадида ИПКни янада такомиллаштириш талаб этилиши ҳақида хулоса илгари сурилган.

Диссертациянинг **“Иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларини қўллашдаги процессуал-ҳуқуқий муаммолар”** деб номланган иккинчи бобида иқтисодий низоларни судларда кўрилишида инновацион технологиялардан фойдаланиш муаммолари, иқтисодий суд ишларини юритишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, айрим тоифадаги ишларни

иқтисодий судларда кўриб чиқишда ахборот-технологияларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Диссертант замонавий ахборот технологиялари воситаларининг суд фаолиятида қўлланилишини ошкоралик принципига салбий таъсири борасидаги баҳс-мунозараларга тўхталиб, франциялик олим, профессор Жан-Батист Дюпоннинг “алгоритмни қонун сифатида қабул қилиш мумкин эмас. Фуқаро сунъий интеллект нима асосида қарор қабул қилганини тушунмаса, у ҳолда қонун устуворлиги ва суднинг ошкоралиги таъминланмайди”, Германиялик профессор Рольф Швобелнинг “ошкоралик принципи фақат суд мажлисига қатнашиш эмас, балки қабул қилинган қарорнинг асосларини англаш имкониятини ҳам назарда тутати” деган фикрлари таҳлил асосида фуқаролар ушбу технологиялар ёрдамида қандай қарор қабул қилинаётганини англаш имкониятига эга бўлиши зарур, деган хулосани илгари суради. Францияда 2019 йилдан суд қарорларини таҳлил қилиш учун сунъий интеллект воситаларидан фойдаланиш тартиби жорий этилганлигини, бироқ Франция Адлия вазирлиги бу жараёнда фуқароларга тушунарли ва шаффоф ахборот тақдим этилиши шарт эканлиги каби талабларни илгари сурганлигини, Эстонияда “робот судья” лойиҳаси синов тариқасида татбиқ этилган ва барча қарорлар очик порталда жойлаштирилганлигини, бироқ фуқаролар қарорларнинг қандай қабул қилинганини кўриш имконига эга эканликларини таъкидлайди.

Муаллифнинг фикрича, биринчидан, замонавий ахборот технологиялари асосида қабул қилинган қарорлар учун алгоритм ишлаш услуби ҳақида фуқарога тушунарли ахборот тақдим этилиши лозим. Иккинчидан, судларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий чегаралари ва стандартлари қонун билан аниқ белгиланиши керак. Учинчидан, суд қарорлари ва замонавий ахборот технологиялари асосида тайёрланган хулосалар учун жамоатчиликка очик платформа яратилиши зарур.

Тадқиқот ишида иқтисодий ишларни видеоконференцалоқа орқали хал қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ва такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган бўлиб, тақиқот иши доирасида судьялар ўртасида ўтказилган сўровлар натижаларига кўра, судьяларнинг 86,3 фоизи судда иш кўриш жараёнида видеоконференц-алоқа тизимини қўллаб келмоқдалар. Шу билан бирга мазкур технологиядан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари, рухсат этилганлик чегаралари ва ундан суд процессида фойдаланиш тартиби, шунингдек, видеоконференцалоқа алоқалари орқали олинган ахборотга юридик куч бериш масалалари таҳлил қилинган. Унга кўра, АҚШ, Австрия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Канада, Янги Зеландия, Швеция, Финляндия, Эстония каби хорижий давлатлар аллақачон видеоконференцалоқадан фойдаланиш бўйича меъерий-ҳуқуқий базани яратган. Диссертант мамлакатимизнинг амалдаги процессуал қонунчилигида (ИПК, ФПК, ЖПК ва МСИЮтК) видеоконференцалоқадан фойдаланишга рухсат берувчи қоидалар мавжуд бўлишига қарамай, улар фақат суд

муҳокамаси босқичини камраб олишини, ушбу телекоммуникация технологиясидан фойдаланиш тамойиллари, мақсадлари ва механизмлари, шунингдек мезонлари ушбу қонунчиликда ўз ифодасини топиши лозимлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида” 04-сон қарорида ҳам судлар фаолиятида видеоконференцалоқадан фойдаланиш борасида батафсил тушунтиришлар берилишини таклиф қилади. Таҳлиллар натижасида муаллиф Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг “Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш” деб номланган 166-моддаси ва ФПКнинг худди шу номдаги 209-моддасига видеоконференцалоқа орқали суд мажлисида иштирок этиш тўғрисидаги аризани судга тақдим этиш муддатлари ва тартиби, иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, видеоконференцияни ўтказиш тартиби, суднинг ваколатлари ва мажбуриятлари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари, суд қарори билан боғлиқ қўшимчалар киритишни таклиф қилади.

Тадқиқот ишида иқтисодий суд ишларини юритишда сунъий интеллектдан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда унинг элементларидан фойдаланишнинг асосий тенденциялари алоҳида ўрганилган. Бу борада Эстония суд тизимидаги ижобий тажрибасини ўрганиб, диссертант ахборот технологиялари ривожланишининг етарли даражада юқори эканлиги аҳолининг ушбу технологиялардан фойдаланишга тайёрлиги (аҳолининг қарийб 92 фоизи интернетдан мунтазам фойдаланади) ҳамда учинчи шахсларнинг маълумотларга киришининг олди олинганлиги Эстония e-justice моделининг ишончли ва хавфсиз хизматлар тизими сифатида бутун дунёда эътироф этилишига хизмат қилган, деган хулосага келади.

Муаллифнинг фикрича, судларни низоларни тезроқ ҳал этишга ва юкламани камайтиришга ёрдам берадиган ечимларни излаб топишда доимий ҳаракат зарур. Бу каби ечимларнинг ичида иқтисодий суд ишларини юритишга сунъий интеллект элементларини кенг жорий этиш, тарафларда судга келиб тушган даъвонинг ҳолатини кузатиб туриш имкониятини берувчи онлайн маълумотлар тизимини жорий этиш, ахборот технологиялари билан боғлиқ компаниялар учун автоматлаштирувчи тизимларни ишлаб чиқиш каби вазифаларнинг юклатилиши муҳим ҳисобланади.

Диссертант ҳуқуқшунос олимлар (С.С.Гулямов, М.М.Мамасиддиқов, А.С.Сидиқов, Э.К.Сабилов, О.А.Степанов, Д.А.Басангов, А.С.Соколкина, С.А.Курочкин)нинг фикрларини таҳлил қилиш натижасида суд, адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги электрон ҳамкорлик кучли бўлса технологик ечимлар орқали турли қоғозбозлик камайиши, давлат реестрларидаги барча тегишли маълумотларнинг ишончли ва мукамал кўринишига эришиш таъминланиши, судлар ва фуқаролар ўртасидаги бюрократик тўсиқлар бартараф этилиши, вақт ва маблағ тежалиши ҳақида хулосаларни асослантиради.

Бироқ муаллиф И.Л.Бедняков, Н.А.Развейкина, Л.В.Шербачёва, В.В.Момотовнинг иқтисодий суд ишларини юритишда сунъий интеллектни

қўллаш билан боғлиқ айрим муаммолар ва хавф-хатарлар ҳақидаги фикрларини таҳлил қилар экан мазкур муаммоларнинг ечими сифатида илғор халқаро тажрибани (Хитой, АҚШ, Германия, Англия, Уэльс) ҳисобга олиш ва ушбу соҳада норматив тартибга солишни ривожлантириш зарур, деган хулосага келади.

Диссертациянинг **“Иқтисодий процесда ахборот-технологияларини қўллаш орқали суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатларини ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида ахборот технологияларининг иқтисодий судлар амалиётидаги самарали қўлланилиши билан боғлиқ масалалар, судлар фаолиятида ахборот ва коммунация технологияларидан фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларидан фойдаланиш истиқболлари тадқиқ қилинган.

Тадқиқотчи ушбу бобда хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили натижасида электрон судлов тизими, автоматлаштирилган тақсимот, масофавий суд мажлислари, электрон далиллар ва суд қарорларини рақамлаштириш каби замонавий тенденциялар мамлакатимизда иқтисодий судларда ишларнинг кўрилишини самарадорлигини оширишдаги истиқболли йўналиш эканлигини асослашга ҳаракат қилади. Шу билан бирга АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, судларга ўз ички регламентлари орқали ҳужжатларни электрон воситалар ёрдамида тақдим этиш қоидаларини белгилаш ҳуқуқи берилиши, Олий суд томонидан ушбу электрон воситаларга нисбатан техник стандартлар белгиланиши, судларнинг иш юритуви доирасида электрон ҳужжат айланмасини ташкил этиш учун мўлжалланган махсус ахборот-ҳуқуқий тизимлар яратилиши, суд ҳужжатларининг электрон шаклига бўлган махфийлик ва жамоатчиликка киришнинг умумий принциплардан бири сифатида судлар учун ягона миллий сиёсатни яратиш лозим, деган фикрга келади.

Диссертант Исроилнинг судга тарафлар томонидан тақдим этиладиган ҳамда суд томонидан расман қабул қилинадиган барча ҳужжатларни электрон нусхада тайёрлашни назарда тутувчи “Келажак авлод суд тизими” (Next Generation Court System)ни ижобий баҳолаган ҳолда, “Smart client” тизими орқали суд ҳужжатлари маълумотлари базасига кириш жуда қулайлигини, ушбу тизимга интернет орқали “Thin client” браузер дастури орқали шахсий компьютер ёки қурилма орқали масофавий тарзда кириш ва маълумот олиш имконияти яратилганлигини ва бу суд ишларини юритишда самарадорликни оширган, деган хулосага келади. Шунингдек, Исроилда суд тизимида “Ахборот тизимлари ва ҳисоблаш бўлими” мавжуд бўлиб, ушбу бўлим суд ҳокимиятининг стратегик ва операцион мақсадларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаши, иш жараёнлари, қарор қабул қилиш ва ресурслар тақсимотини яхшилаш ва самарали қилиш учун инфратузилма ва инструментлар яратиши, шу орқали жамоатчиликка кўрсатиладиган суд хизматларини яхшилашга ҳам ҳисса қўшади.

Диссертант Корея тажрибаси таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “Суд ишларида сунъий интеллектдан фойдаланиш

бўйича қўлланма” ишлаб чиқилиши ва Қўлланма “Умумий қоидалар”, “Сунъий интеллектни тушунишнинг асослари”, “Сунъий интеллектни суд тизимига жорий этиш ва ривожлантириш”, “Судьяларнинг сунъий интеллектдан фойдаланиши”, “Жараён иштирокчилари томонидан сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳолатларига судларнинг муносабати” деб номланувчи боблардан иборат бўлиб, унда судьялар сунъий интеллектдан фойдаланишда амал қилишлари лозим бўлган асосий тамойиллар ва ушбу технологиянинг суд жараёнларида қўлланилишида ҳисобга олиниши лозим бўлган жиҳатлар назарда тутилишини таклиф қилади.

Шунингдек, мамлакатимиз ИПКга рақамли далилларнинг ҳуқуқий мақомини алоҳида модда сифатида киритиш, масофавий суд мажлисларини ўтказиш тартибини аниқ белгиловчи нормаларни кўшиш, суд мажлисларида электрон идентификация (электрон Face-ID) технологияларини жорий этиш, судьялар ва судья ёрдамчилари учун рақамли салоҳиятни ошириш мақсадида махсус курслар ташкил этиш, илғор тажриба асосида E-SUD платформасини янада такомиллаштириш асосий йўналишлардан ҳисобланади.

Диссертантнинг фикрича, иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларидан фойдаланишнинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари шубҳасиз ушбу жараёнга сунъий интеллект технологияларини жорий этишни, судьяларга ёрдам берувчи интеллектуал юридик ёрдам кўрсатишга хизмат қилувчи дастурларни ишлаб чиқишни, суд амалиёти ва маълумотлар асосида иш натижасини башорат қилиш имконини берувчи, судга оид ҳужжатларни автоматлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш ва тизимлаштиришга ёрдамлашувчи дастур ва платформаларни кенг жорий этиш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда иқтисодий суд ишларини юритишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга қаратилган катор ижобий нормалар процессуал қонунчиликда ўз ифодасини топганлиги ва бу жараён тобора такомиллашиб бораётганлиги боис, эндиликда Ўзбекистонда ҳукумат даражасида “Суд ҳокимиятида сунъий интеллектни ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф қилинади. Унда суд ишларини юритишда блокчейн технологияларидан фойдаланиш, суд қарорларини ўзгартириб бўлмайдиган рақамли базада сақлаш, электрон далилларнинг ҳаққонийлиги ва хавфсизлигини таъминлаш каби мураккаб вазифаларни бажариш имконини берадиган маълумот технологияларининг тизимлаштирилган мажмуаси ва уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари назарда тутилиши керак.

Суд ҳокимиятининг фаолиятини тўғри ташкил этиш, судларнинг ишлаш тартибини таъминлаш ҳамда ҳуқуқни амалга ошириш жараёнини автоматлаштириш мақсадида “Ягона суд ахборот-телекоммуникация тизими”ни яратиш ва бу билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

ХУЛОСА

Иқтисодий суд ишларини юрителишда ахборот-технологияларини қўллашнинг назарий ва амалий масалаларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

